



## Гербим – Ифтихорим

Мустақил Ўзбекистон янги давр, яъни Учинчи ренесансга қадам қўяр экан дунёнинг барча давлатлари Ўзбекистоннни Бирлашган Миллатлар Тошкilotи олдидағи ҳилпираб турган байроби билан танийди ва унинг мустақиллигини эътироф этади. Мустақил Ҳур давлатимизнинг иккинчи давлат рамзи бу гербимиздир. Давлат гербимиз иккинчи июл 1992 йилда қабул қилинганди. Жорий йилда гербимиз қабул қилингандигининг 31 йиллиги кенг нишонланди. Гербимиз бошқа давлатлар гербидан фарқ қиласи. Менинг гербим – менинг ифтихоримдир. Зеро унинг ўнг томонида халқимиз ризқи-рўзи буғдой ва чап томонида меҳнаткаш халқимиз олтин кўллари билан етиширилган пахта акс эттирган бўлиб, давлатимиз байроби билан ўраб олинган. Гербимиз марказида афсонавий Хумо қуши тасвирланган. Гарчи бу афсонавий қуш бўлса ҳам, ҳақиқатдан она-Ватанимиз аҳолисига баҳт ва омад келтирадиган, мустақил ва мустаҳкам диёrimizning мусаффо ва беғубор осмонимиз, дастурхонимизнинг тўкин-сочин ва барча қардош халқимиз тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашидан дарак берганлигини кўрамиз. Гербимиз марказида ҳур ўлканинг серқуёш эканлигини ифода этувчи офтоб порлаб турибди. НАСА ташкilotи ўзбек ўғлони Солижон Шарипов космосга чиққанида фақатгина халқимиз ардоклаган халқ ҳофизи Ҳожи Шерали Жўраевнинг “Олтин қанот” қўшигини самога олиб чиқишига ижозат берган. Солижон Шарипов олис фазодан туриб дўсти Шерали Жўраевни туғилган куни билан мазкур қўшиқ орқали табриклаганлигига барчамиз гувоҳ, шунинг ўзи биз учун ифтихор ва ғурур бағишлади. Қуёш, нур, ёруғлик ва зиё билим белгиси, зеро гербимиздаги меҳр (қуёш) акс этгувчи сўлим Чаман водийлари ва икки дарё тасвирланган. Бу икки дарё мозийда Окс ва Яксарт, Жайхун ва Сайхун, ниҳоят Сирдарё ва Амударё номларини олиб, Мовароуннаҳр машҳур номи билан ҳам дунёда маълум. Ўлкам бағрида не-не олим уламо, фозилу-фузалолар яшаб дунё аҳлини ўзларининг илму-урфон, маданий ботин ва зоҳари, сурат ва сийрати, зухур ва заҳари билан лол қолдирилганлигига бой меросимиз ҳамда тарихимиз гувоҳлик бергай. Бизда яшаб ўтган Термизийлар, Бухорийлар, Ибн Сино, оламгир Амир Темур, осмонни фатх этган Улуғбеклар, жасур Темурмалик, Жалолиддин Мангубердилар авлодлари халқаро майдонда илм, назм ва наср, саънат, спорт, маданият ва маърифат бобида оламни титратганлиги менинг ўлкамдаги гербда мужассамланган, зеро менинг она-Ватаним ҳеч кимга бўйин эгмаган, таслим бўлмаган, ҳатто “Заифа ва ожиз” деб номланган латофатли ва назокатли Тўмарислар ёвга қақшатгич зарба бериб, Равшанак эса Искандар Зулқарнайни отдан тушиб тиз чўкишига мажбур этган. Менинг ўлкамни не-не ёзув босқичлар босиб олишга “ҳавас” қилиб жанг олиб борса ҳам забт этолмасдан ҳийла, макр, хиёнат ва алдов йўли билан вақтинча эгаллаб олган.

Бир замонлар Ҳожа Ҳофизи Шерозий турк жононинг бир холи учун Самарқанду Бухорони бахш этган бўлса, мустақил Ўзбекистон фарзанди устозимиз Юсуф



Вализода Дарбандий она-Ватанимиз асло ином этиб бўлмаслигини шундай васф этган:

Хофиз берган Самарқанду Бухорони бир хол учун,  
Турсунзода Осиё ила Африкони бир ёр учун.  
Хасис дегин, майли жоним дашномига розидурман,  
Ўзбекистон берилмайди на хол учун, на ёр учун.  
Ўзбекистон тожим менинг, тожни пинҳон этиб бўлмас,  
Ўзбекистон орим менинг, орни эҳсон этиб бўлмас.  
Ҳар нарсани истасанг сен топиб бергай валек,  
Она Ватан Ўзбекистон асло инъом этиб бўлмас.

Гербим-ифтихорим ва мен у билан фахрланаман .... .

**Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани 57-сонли умумтаълим мактабининг  
Ижодий-маданий масалалар ишлари бўйича тарғиботчиси Каримов  
Кароматулло.**